

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон  
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,  
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик  
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия  
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-7/3  
Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издаётся с 2006 года**

**Хива-2022**

**Бош муҳаррир:**

*Абдуллаев Икрам Исакандарович, б.ф.д., проф.*

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

*Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*

**Таҳрир ҳайати:**

*Абдуллаев Икрам Исакандарович, б.ф.д., проф.*

*Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.*

*Абдуллаев Равшан Бабажонович, тиб.ф.д., проф.*

*Абдуҳалимов Баҳром Абдураҳимович, т.ф.д., проф.*

*Аззамова Гулчехра Азизовна, т.ф.д., проф.*

*Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.*

*Аметов Якуб Идрисович, д.б.н., проф.*

*Бабаджанов Хушнум, ф.ф.н., проф.*

*Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.*

*Буриев Ҳасан Чутбаевич, б.ф.д., проф.*

*Ганджаева Лола Атанаզаровна, б.ф.д., к.и.х.*

*Давлетов Санжар Ражсабович, тар.ф.д.*

*Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.*

*Дўсчанов Баҳтиёр, тиб.ф.д., проф.*

*Ибрагимов Баҳтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.*

*Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.*

*Жуманов Мурат Арапбаевич, д.б.н., проф.*

*Кадирова Шахноза Абдуҳалиловна, к.ф.д., проф.*

*Каримов Улугбек Темирбаевич, DSc*

*Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.*

*Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.*

*Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.*

*Махмудов Рауфжон Баҳоридович, ф.ф.д., к.и.х.*

*Мирзаев Сироҷиддин Зайневич, ф-м.ф.д., проф.*

*Пазилов Абдуваеит, б.ф.д., проф.*

*Рахимов Рахим Атажанович, т.ф.д., проф.*

*Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.*

*Рӯзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.*

*Рӯзметов Баҳтияр, и.ф.д., проф.*

*Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.*

*Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.*

*Сапарбаева Гуландам Машариповна, ф.ф.ф.д.*

*Сапаров Каландар Абдуллаевич, б.ф.д., проф.*

*Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.*

*Сотипов Гойиназар, қ/х.ф.д., проф.*

*Тоҷибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик*

*Холлиев Аскар Эргашевич, б.ф.д., проф.*

*Холматов Баҳтиёр Рустамович, б.ф.д.*

*Ҷўпонов Отаназар Отожонович, ф.ф.д., доц.*

*Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.*

*Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.*

*Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.*

*Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.*

*Ўрзобоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.*

*Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.*

*Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.*

*Худайберганова Дурдана Сидиковна, ф.ф.д., проф.*

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№7/3 (91), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. – 150 б. – Босма нашрнинг электрон варианти - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

<b>Муминова Н.А.</b> Тахаллуслар ва “Темурнома” асаридағи тахаллусларнинг лисоний хусусиятлари.....	108
<b>Палванова Ш., Бабаджанов Х.</b> Тюркизмы в русском языке .....	111
<b>Садикова Э.В.</b> Особенности пословиц с личным именем .....	114
<b>Сайдуллаева Р.И.</b> Некоторые вопросы использования терминов «ономастика» и «антропонимика» в русском языкоznании .....	117
<b>Саломова Г.А.</b> Тилшунослиқда «аббревиатура» термини муаммоси .....	120
<b>Сапарбоева Л., Эрматова Ж.</b> О сказке “Мальчик-звезда” Оскара Уайльда .....	125
<b>Сидоркова Л.Р.</b> Исторический комментарий грамматических архаизмов в романе «Дмитрий Донской» С. Бородина.....	127
<b>Фаттахова А.Р.</b> Творчество Алисы Ганиевой в аспекте литературной критики .....	130
<b>Хайтов Х.А., Жабборова А.Ш.</b> Адабиётда кулги маданияти ва санъатига муносабатнинг қадимий илдизлари .....	132
<b>Хайтов Х.А., Темирова М.А.</b> Бадиий асарларда лофнинг алоҳида хусусиятлари .....	134
<b>Хайруллоева Н.Н.</b> Эко-фикшн жанри тараққиёти .....	137
<b>Хасанова Ю.М.</b> Шарқ ва ғарб эртак жанри намуналарида ахлоқий сифатларнинг мотив сифатида концептуаллашуви .....	140
<b>Шаймарданова А.Р.</b> Ўзбек тилининг ички тизимости лакуналари .....	142
<b>Шукurov O.U.</b> Ўзбек тилида мустақиллик даври ўзлашмаларнинг семантик трансформацияси.....	145

Қизиқчилар ҳақидаги дастлабки лавҳалар ҳинд эпоси “Рамаяна”да ҳам учрайди. Айрим манбаларда афсонавий Сулаймон пайғамбар даврида қизиқчилар бўлган дейилади. Абдулла Қодирийнинг “Мехробдан чаён” романида қизиқчилар саҳнасининг келтирилиши ўзбек фольклоридаги қизиқчилар санъати ўзбек халқи аждодлари учун ҳам яқин-яқинларгача хос бўлганлигини кўрсатади.

Халқижодида латифа, асия, лоф кабилар кулгу хазинасидир. Улар ҳар куни яратилиши мумкин бўлган энг оммавий ва ҳозиржавоб жанр намуналариdir. Инсон ҳатто оғир вазиятларда ҳам қулади. Уларнинг яратилишига қадимий инончлар ҳам, тарихий даврлар, тарихий шахслар ҳам таъсир кўрсатган. Айрим тадқиқотчилар туркий халқлар, жумладан, ўзбек фольклоридаги Насриддин образининг келиб чиқишини сарой қизиқчилари тарихи билан боғлайдилар<sup>5</sup>. Чунки қизиқчилик – ўзбек Афандисининг доимий ҳамроҳи. У от ёки эшакка тескари минади, айтилган ишларнинг тескарисини қиласди. Тингловчилар ҳам буни табиий қабул қилишади. Сабаби, Афанди сиртдан тентак, овсар кўринса-да, аслида бу унга бир ниқоб бўлиб, у ўта донишманд, зийрак, содда муғомбирдир.

Қолаверса, қадимдан кишилар ақлан заиф, жисмоний нуқсонли кишиларни Оллоҳ назаридаги бандалар сифатида қараб, уларга хайрихоҳлик, ишонч билан ўзгача муомала-муносабатда бўлишган. Ақлан ёки жисмонан заиф одамларга (девона ва ногиронлар) дөв ва парилар ҳомийлигидаги кишилар сифатида қаралган. Шунга кўра, уларни куч-қудрат тимсоли деб билишган. Бундай кишилар илоҳий кучлар, руҳий олам вакилларидан мадад олиб туришига ишонилган.

Хуллас, кулги азалдан одамларнинг дунёқараши, киши характери, ички мураккаб руҳий кечинмалари, ўзгаларга ва воқеликка муносабатини ифодаловчи универсал восита бўлиб, улкан маънавий-маърифий, тарбиявий, бадиий-эстетик аҳамият касб этувчи ақл ва қалб ҳосиласи саналган.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Авесто. – Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2015. – Б.23.
2. Нуруллаева С. Кулги кунларини ташкил этиш ва ўтказтишнинг ҳаётий-мифологик асослари // “Насриддин Афандининг дунё кулги маданиятидаги ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон, Бухоро шаҳри, 2019 йил 30 март. – Б.149-151.
3. Кошғарий Махмуд. Девонул луготит турк. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2017. – Б.368.
4. Аҳмад Юғнакий. Ҳибатул-хақойик. – Тошкент: Академнашр, 2019. – Б.31.

**УЎК 808.3**

#### **БАДИЙ АСАРЛАРДА ЛОФНИНГ АЛОХИДА ХУСУСИЯТЛАРИ**

**X.А.Хаитов, доц., PhD, БухДПИ, Бухоро**

**М.А.Темирова, магистрант, БухДПИ, Бухоро**

**Аннотация.** Уишибу маколада узбек насли тараккиётида лоф жсанрининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти илмий-назарий таҳлил қилинган.

**Калит сузлар:** тўқима, муболаганинг таблиғ, игероқ, кучли муболага, сўз ва тезкор фикр, чечанлик, ҳозир жавоблик, топқирлик, зукколик, ҳушёрлик, моҳир ижодкорлик ва хоказо.

**Аннотация.** В данной статье научно и теоретически анализируется уникальная роль и значение жсанра лоф в развитии узбекской прозы.

**Ключевые слова:** фактура, преувеличение, ирония, сильное преувеличение, словесность и быстрота мышления, красноречие, быстрая реакция, находчивость, остроумие, зоркость, умелое творчество и др.

**Abstract.** In this article, the unique role and importance of the lof genre in the development of Uzbek prose is scientifically and theoretically analyzed.

**Key words:** texture, exaggeration, irony, strong exaggeration, words and quick thinking, eloquence, quick response, resourcefulness, wit, vigilance, skillful creativity, etc.

“Лоф” форс-тожикча сўз бўлиб, ҳаддан ташқари бўрттирилган, маҳорат билан ўйлаб топилган бадиий тўқима, муболағанинг таблиғ, иғроқ, ғулув шакллари асосида мақтанчоқлик билан айтилган қуруқ (пуч), сафсата, ҳақиқатга тўғри келмайдиган уйдирма, ёлғонгапни англатади. Лоф ўзбек ҳалқ оғзаки бадиий ижодида мустақил жанрлардан бири сифатида тан олинган. [1] Лекин фольклор жанрлари таснифотида лоф негадир эпик тур жанри деб кўрсатилади. Бизнингча, лоф эпик ва драматик турга хос белгиларнинг синтезлашуви ҳосиласидир. Чунки лоф худди оғзаки драматик турга мансуб асия жанри сингари икки томон (фақат икки лофчи)нинг ўзаро сўз ўйини, фикрий мусобақасига асосланган томошани юзага келтиради. Лофнинг ғолиб ва мағлублари бўлади. Лоф қанча давом этмасин, барибир унда сўнгги фикрни айтиб, шеригини мот қилган лофчи ғолиб саналади. Чунки унинг кутилмаган яқуний хулоса фикри лофга яқун ясад, кулгига йўғрилган ечимни ҳосил қиласиди. Худди шу хусусиятига кўра, лофлар асия ва латифаларга ўхшаб кетади. Сабаби уларда ҳам кутилмаган кулгини ҳосил қилиш орқали муваффақият қозонилади. Шуни ҳисобга олиб, лофни эпизодик драма таркибиға киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Аслида лофларнинг келиб чиқишига кишиларнинг ўз бажарган ишларини бўрттириб кўрсатиши, мақтанишга мойиллик эҳтиёжи замин яратган. Лофлар шаклининг ихчамлиги, моҳиятнан кулги ўйғотиши қаратилиши жиҳатидан фольклорнинг латифа жанридаги асарларга ҳам яқин туради, аммо уларнинг композицияси асосида кучли муболаға, сўз ва тезкор фикр баҳсига қаратилган диалог ётиши латифалардан фарқини кўрсатади. Лофлар латифалар каби ҳажман ихчам бўлиб, кўпинча икки ёки ундан ортиқ лофчиларнинг икки-уч ёхуд уч-тўрт жумла гапидан ташкил топади. Асосида лофчиларнинг баҳсли сұхбати, яъни лофчилар диалоги ётади.

Лоф айтишуви сўз мусобақаси қўринишида ташкил этилиши унинг асиячиликка яқин туришини кўрсатади. Қолаверса, лофларнинг ҳам ўз қизиқувчилари, тингловчи томошабинлари мавжуд. Асиябозликдаги каби лофбозлик мусобақасида истаган киши тўппадан-тўғри қатнашиб кета олмайди. Бунинг учун лофчи мазкур соҳада муайян даражада ҳаётий ва ижодий тажриба тўплаб улгурган, бўрттирилган ёлғон воқеа тўқишида уста ва моҳир, вазиятни тўғри баҳолаб кулги ҳосил қилиш маҳоратини эгаллаган, тил бойликларидан яхшигина хабардор бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда, у тингловчилар олдида нокулай вазиятга тушиб, кулгига қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Лофчилик мусобақасида ҳар иккала томон лофчи айтилаётган воқеанинг ёлғон ва тўқима эканини жуда яхши билиб турсалар-да, лекин буни ошкора тан олмасликлари кулгига сабаб бўлади. Чунки ёлғон тан олинса, лофнинг моҳияти ва жозибасига путур етади. Лоф бузилади.

Лоф шарти шунда кўринадики, унда биринчи лофчи томонидан айтилган муболагали ёлғонни иккинчи лофчи одоб билан сабр қилиб тинглаши, эътиroz билдириласлиги, керак бўлса, фикрини тасдиқлаши, ундан сўнг ўзи унивидан янада ўтқирроқ, муболағали, ёлғон жавоб топиб айтиши керак бўлади. Иккинчи лофчининг жавоби лофга тўла-тўқис кулгили яқун ясади. Бундан англашиладики, лоф кишилардан сўзга чечанлик, ҳозиржавоблик, топқирлик, зукколик, хушёрлик, моҳир ижодкорлик, бадиҳагўйликни талаб қилувчи амалий фаолият туридир. Шунинг учун унинг ижросида кўпинча ҳалқ орасида лофчи, асиячи, қизиқчи, латифагўй(базлагўй) сифатида танилган, ном қозонган сўз усталари иштирок этиб келган. Худди асиячилар сингари лофчилар ҳам кўпинча турли ҳалқ йиғинларида, томоша майдонларида, сайил, гап-гаштак, тўй-ҳашам, чойхоналарда ўз репертуарларини намойиш этишган. Лофлар аксарият ҳолларда профессионал асиячи ва қизиқчилар репертуарида ижро қилинган. Масалан, қизиқчилик ва асиячиликда устоз санъаткор ҳисобланган марғилонык Юсуфжон қизиқ Шакаржонов моҳир асиябоз Мамажон маҳсум билан тез-тез лоф айтишиб туришгани маълум.

Лофлар ҳалқбадиий ижодининг сирларини мукаммал эгаллашда муҳим манба ролини ўтай олади. Шуни инобатга олиб, қадимдан ҳозиргача ёзма адабиётда шоир ва адиблар лофларга хос кулги ўйғотиш ифода усули, гўзал ва жозибали муболағали лавҳалардан унумли фойдаланиш йўлларини излаб келганлар. Шунинг учун Гафур Гулом “Ҳалқ ижоди бойлигидан” мақоласида ҳақли равища “Ҳамма ҳалқлардагидек, бизнинг классик

адабиётимиз ҳам, замонавий адабиётимиз ҳам лофлардан, гиперболалардан холи эмасдир”[2] дейди ва ҳалқ лофларидан баъзи нусхаларини ўзи ҳам бевосита кўчириб келтиради. Улардан бири “Ёпқичга ямоғлиқ” лоф-ҳикоясидир. Унда машхур қўқонлик қизиқчи Зокир Гов образидан фойдаланилган. Унда Зокир Говни асқиячи ўртоғининг жимит қизи лофда мот этиши ёритилган. Ҳикояда Зокир Гов қизчага ўзини “Мен дадангнинг ўртоғи қўқонлик Зокир Гов бўламан. Сизларни кўргани келиб эдим, қўлим қуруқ эмас. Сизларга бир гилам совға қилмоқчи эдим. Гиламнинг бир боши Тошкантнинг Ўқчи дарвозасига кириб келди, этагини Кўқонда ийғишишияпти. Анашунақа, қизим...” деб таништиради. Шунда қизгина Зокир Говнинг бўйнидан ачомлаб, ёшига хос чучук тилда : “Вой аматидинамдан айланай! Яқинда тандир ёпқичимизга чўғ тушиб ўйилиб қолган эди. Сизнинг совға гиламингиз шу жойга ямоққа етар экан, дебди”. [3]

Адибнинг “Калта гап икки дўст” ҳикояси [4] саратоннинг жазирама кунларидан бирида андижонлик Лом-мамбек сұхбатдош тополмай Қўқонқишлоқлик Али жимжит деган дўстининг уйига боради. Али жимжит уни “Хуш келдинг, ўбдан меҳмон қилас эдиму вақим зикроқ, тез-товоргапингни айтақол”, – дебди. Лом-мимбек эса “Беш оғиз гаплашиб кетай, деб келувдим”, – деб жавоб қайтариби. Али жимжит: “Бўлмаса сен ўтириб тур, мен уйга кириб чиқай” деб, Лом-мимбекни яланг сайхундаги супачада қолдириб, кун тифида терлаб-пишиб куттириб, бир маҳал қўй теридан қилинган катта кирғиз пўстин, белида шол белбоғ, оёғида айиқ тери этик, бошида тулки теридан телпак – тумоқ, қўлида қўлқоп, қўлтифида икки бойлаб қарағай ўтин, қўлида бир ҳокандоз чўғ билан ичкаридан чиқиб келибди. Буни кўрган Лом-мимбек ҳайратда қолиб: “Буларинг нимаси?” – деб сўрабди. Али жимжит: “Сенку беш оғиз сўзлашамиз, дединг. Сену менинг беш оғиз сўзимиз ўзимизга маълум. Сўз бора-бора тортишувга, тортишув баҳсга, баҳс жанжалга, жанжал – кекирдақбозликка айланиб кетиб, сұхбат бир оз чўзилиши мумкин. Ёз ўтар, куз ўтар, қиличини кўтариб қиши келар, гапимиз тугамас, муддао айтилиб бўлмас, ўзим совуққа ожиз, сояси юпқа одамларданман, тағин қиши чиллада тумов-пумов бўлиб юрмай”, – дебди.

“Дош қозон ва қизилча” ҳикояси Халилча Ҳалол деган намангандик бир лофчи билан оҳангаронлик Сандонқул Тангатопган деган довонда учрашиб қолиб, лофга асосланган диалоги шаклида яратилган. Сұхбатни Халилча Ҳалол лофчи “Оҳангаронда нима янгилик бор?” деган савол билан бошлайди. Унга жавобан Сандонқул Тангатопган: “...бизнинг Оҳангарон чилангарлари бир минг у уч юз қирқ қулочли битта дошқозон ясашяпти. Бир қулоғида туриб ўн қадоқли болға билан эрталаб урганидаги чиққан овозини иккинчи қулоғидаги чилангар тушдан кейин эшитади”, – дея дошқозон хусусиятларини муболағалаштириб, лоф уради. Лекин Халилча Ҳалол унинг лофини “Бу киройи дегча бўлибди” дея инкор қилиб, ўзи янада кучлироқ лоф қилади: “Намангандеҳқонларининг қўли гул таърифлиги бу томони Чин-Мочин, бу томон қайсари Румгача маълум. Ғирвон деҳқонлари бу йил лавлаги – қизилча эккан эдилар. Айниқса, Шода сўтакнинг лавлагиси бўлиб берди. Юқори даштда шундай бир туп лавлаги ўсдики, баргларининг соясида ўн минг отлик аскар салқинласа бўлади”. [5]

Бу гапни эшитган Сандонқул: “Вой аҳмоқ, лоф ҳам эви билан-да, лавлаги ҳам шунақа бўладими?” деса, Халилча Ҳалол: “Мен аҳмоқми, сенми? Сен айтган ҳалиги қозончада ўша лавлаги қайнамаса, нима қайнайди?” деб, шеригини яна бир бор сўзда мот қилибди.

Faafur Fулом “Ҳалқ ижоди бойлигидан” мақолосида лофнинг ҳаётдаги ўрни, айниқса, совчиликда ундан кўп фойдаланилишини ҳаётий мисоллар билан далиллайди. Шу ўринда отасининг онасига айтган муболағали қуйидаги фикрини ёдга олади: “Биз ёш бола чоғимизда отам раҳматлик онамизни эркалаб: Тошхон, мен сени минг йилдан бери севаман, сен ҳам хеч бўлмаса уч юз йил қадрига ет, деб қўярдилар”. [6]

Ёки яна адиб совчи аёлларнинг куёв ва келинни мақтаб айтадиган ловли гапларини мисол келтиради: “Бай, бай, бай... Куюв ўигитнинг мақтовини совчилардан эшитсангиз: – Эралижон тушмагур бу йил балиқ йили бўлса, роппа-роса ўн тўққизга киради. Тўйига атаб битта жунқопдаги ўн тўққиз пуд буғдойни битта ўзи кўтариб кирди. Раисимиз: “Кўй, белингга

шикаст етади”, деса ҳам “Бе!” дебди-да, лиммо-лим ўғит ортилган грузвойни ботқоқдан елкалаб, тош йўлга чиқариб қўйибди.

Келин бола таърифида: – Шафоғатойни айтинг... Ким тикилса киприги қайрилиб кетади. Санамараста, оғзи билан бели борми, йўқми биз ҳалигача билмаймиз... Чумчуқча овқат ейди... Сув исча томогидан, сабзи еса биқинидан кўринади... Шунақаям пазандаки, йўқ ердан бунёд қиласди. Сувдан ҳолвайттар, тарик ёрмасидан палов пиширади, барака топгур.

Ростини айтганда, Эралижон 30 ёшдаги чўтири йигит, Шафоғат бўлса – бир кўзига оқ тушган, ёшлигига сандалда бир ёнбоши куйган қари қиз.[7]

Адилнинг “Хасис” хикоясида Замира-тоқининг характер-хусусиятларини бўртириб тасвиrlаш мақсадида лофдан фойдаланилган. Бунга кўра, Замира-тоқининг қабзият бўлганда эмчи кампирга бориши, у эса “қатиқ ичинг, болам” деган экан. Шунда бир стаканда қатиқ олинган эди. Шу қатиқ ачиб кетган бўлса-да, ҳали ҳам бор экан. Чунки Замира тоқи стаканнинг сиртидан ялаб юрган.[8]

Хулоса килиб айтганда, Fafur Fулом лофлардан ўз асарларида фикрни кучайтириб ифодалаш, муболага санъатини яратиш учун фойдаланган.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Hayitov H. A. Sharq mumtoz adabiyotida ohang talqini //Мировая наука. – 2019. – №. 8. – С. 3-5.
2. Ahmadovich H. H., Amrulloyevna S. D. XX ASR QISSACHILIGI TARAQQIYOTIDA FOLKLORNING LATIFA JANRI TA'SIRI //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 302-304.
3. Ahmadovich H. H. Expression of Folklorisms in the Works of Ghafur Ghulam //European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630). – 2022. – Т. 14. – С. 101-105.
4. Ahmadovich H. H. et al. BOSHLANG ‘ICH SINFLARDA O ‘ZBEK QISSALARI TAHLILINING INNOVATSION USULLARI //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 350-352.
5. Ahmadovich H. H. et al. O ‘RXUN-YENISEY BITIKLARIDA TALIM-TARBIYA TO ‘G ‘RISIDAGI FIKRLARNING YORITILISHI VA ULARNING TARBIYAVIY AHAMIYATI //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 349-350.
6. Ahmadovich H. H. et al. IJODIY TOPSHIRIQLAR O ‘QUV MOTIVLARINI SHAKLLANTIRISHNING SAMARALI VOSITASI SIFATIDA //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 293-294.
7. Ahmadovich H. H. et al. BOSHLANG ‘ICH TA’LIMDA O ‘ZLASHTIRISH JARAYONINING PSIXO-DIDAKTIK ASOSLARI //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 332-334.
8. Ahmadovich H. H. et al. O ‘QUVCHILARNING BILUV FAOLLIGINI OSHIRISHGA QARATILGAN DARSDAN TASHQARI ISHLAR VA ULARNI TASHKIL ETISH METODIKASI //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 343-345.
9. Ahtamovich H. H., Shixnazarovna J. A. O ‘QUVCHILAR O ‘ZLASHTIRISH DARAJALARINI TASHHISLASH //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 306-309.
10. Ahmadovich H. H., Aminovna A. S. BOSHLANG ‘ICH SINF O ‘QISH DARSALARIDA DIDAKTIK O ‘YIN VA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 100-102.
11. Ahmadovich H. H., Amrulloyevna S. D. RUNN BITIKLARI AXLOQ VA VATANPARVARLIKNING YUKSAK NAMUNASI SIFATIDA //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 248-250.
12. Ahmadovich K. H., Bahriiddinovna S. G. Development and practical application of acmeological technologies of student assessment diagnose //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 6. – С. 141-145.
13. Ahmadovich K. H., Zokirovna A. G. THE PROBLEM OF HUMAN EDUCATION AND MORALITY IN FOLKLORE //Gospodarka i Innowacje. – 2022. – Т. 25. – С. 133-137.
14. Ahmadovich K. H., Nodirkulovna A. I. Theory of Fairy Tales in Primary Grades, The Nature of the Fairy Tale Genre //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2022. – Т. 3. – №. 7. – С. 130-133.
15. BuxDUPi H. A. H. et al. AKMEOLOGIYA VA UNING O’QUVCHILAR O’ZLASHTIRISHINI TASHXISLASHDAGI OR’NI //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 415-417.
16. Хайтов X. Адабиётда купидан фойдаланиш анъанасининг асослари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 3/S. – С. 49-52.
17. Хайтов X. А. ЛЎЛИ НОМИ БИЛАН БОГЛИҚ ЛАТИФАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ //Интернаука. – 2021. – №. 17-4. – С. 51-52.
18. Hayitov H. A. QUSHLARGA IBRAT-HAZRATI XIZR! //Интернаука. – 2020. – №. 12-3. – С. 72-73.
19. Khoja o’g’li T., Ahmadovich K. H. Advanced Characteristics of the Tradition of Using Uzbek Folk Humor Art in Written Literature //American Journal of Social and Humanitarian Research. – 2022. – Т. 3. – №. 9. – С. 1-4.
20. Khaitov H., Amonova S. ЎЗБЕК ҲИКОЯ ВА ҚИССАЛАРИДА КУЛГИ МАДАНИЯТИНИНГ ИЛДИЗЛАРИ //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 140-144.
21. Ahtamovich H. H., Shixnazarovna J. A. O ‘QUVCHILAR O ‘ZLASHTIRISH DARAJALARINI TASHHISLASH //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 306-309.
22. Axmadovich X. X. et al. ENG QADIMGI MA'RIFIY YODGORLIKLARNI O ‘RGANISHNING AHAMIYATI //PEDAGOGS журнали. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 281-285.

- 23.Хайитов Х. А. ФАФУР ҒУЛОМНИНГ ХАЛҚ ЛАТИФАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 679-687.
- 24.Akhmadovich H. H. Khoja nasriddin afandi as people's hero //ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL. – 2021. – Т. 11. – №. 2. – С. 1562-1565.
- 25.Akhmadovich K. K. Symbolism of Birds in Uzbek Literature //International Journal on Integrated Education. – Т. 3. – №. 4. – С. 59-63.
- 26.Hayitov H. A. Literary influence and artistic image //Экономика и социум. – 2019. – №. 8. – С. 11-14.

УЎК 821.133.1-312.9

**ЭКО-ФИКШН ЖАНРИ ТАРАҚҚИЁТИ  
(АМЕРИКА АДАБИЁТИ МИСОЛИДА)**

**Н.Н. Хайруллоева, таянч докторант, Бухоро давлатуниверситети, Бухоро**

**Аннотация.** Ушбу мақолада эко-фикин (табиатиунослик) адабий жанр сифатида ёритилган. Табиат тушунчаси Америка адабиёти мисолида қисқача таҳлил қилинган. Шунингдек, Америка адабиётининг таниқли вакиллари Генри Девид Торо ва Ралф Валдо Эмерсон прозаси ҳамда Роберт Фрост поетикасида ифодаланган эко-фикин жанрига доир белгилар ҳақида сўз юритилган.

**Калим сўзлар:** эко-фикин, табиат, Генри Девид Торо, Ралф Валдо Эмерсон, Роберт Фрост, эко-критисизм.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается экопроза как литературный жанр. Кратко анализируется понятие природы на примере американской литературы. Мастерская проза известных деятелей американской литературы, таких как Генри Дэвид Торо и Ральф Вальдо Эмерсон, и поэзия природы Роберта Фроста также отмечены как основной источник, имеющий большое значение для того, чтобы иметь литературные корни жанра эко-фантастики.

**Ключевые слова:** экофантастика, природа, Генри Дэвид Торо, Ральф Вальдо Эмерсон, Роберт Фрост, экокритика

**Abstract.** This article describes eco-fiction as a literary genre. The concept of nature is briefly analyzed in the example of American literature. The masterful prose of well-known figures in